

Ўзбекистон Республикаси номидан Х У К М

2025 йил май ойининг 28 куни, жиноят ишлари бўйича Боғдод туман суди, очик суд мажлиси ўз биносига, видеоконференцалоқа режимида, судья О.Сиддиқовнинг раислигида, судья ёрдамчиси Ш.Мадаминовнинг котиблигида, давлат айбловчиси Боғдод туман прокурори ёрдамчиси А.Мансуровнинг қатнашувида, судланувчи Д.Акбаров ва унинг ҳимоячиси “Хolyigitov Otabek Himoyasida” адвокатлик бюросининг адвокати О.Холйигитов, жабрланувчи А.Турдалиев, И.Худоберганов, Р.Каримов, И.Каримов, У.Мадрахимов, И.Сохибназаров, М.Султонов, И.Қурбонов, С.Ахмедов, Ш.Тошқўзиевларнинг иштирокида, Акбаров Даврон Ўктамалиевичга оид 1-1507-2501/95-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Иш ҳужжатларига кўра:

Акбаров Даврон Ўктамалиевич (Akbarov Davron O'ktamaliyevich), 1986 йил 16 декабрь куни Боғдод туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, 4 нафар фарзандлари бор, судланмаган, вақтинча ишсиз, Боғдод тумани, Қоровултепа МФЙ, Қизғалдоқ кўчаси, 21-уйда яшайди, иш бўйича 2025 йил 13 май куни қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланган, 12.05.2025 йил кунидан қамоқда, айблов ҳулосаси нусхасини 2025 йил 20 май куни олган,

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 168-моддаси 3-қисмининг “а,б” банди билан айбланган.

Суд, судланувчи, жабрланувчилар ва гувоҳнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи Д.Акбаров алдаш ва ишончини суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг кўп миқдордаги мулкани қўлга киритиш мақсадида, 2023 йил 01 сентябрь куни А.Турдалиев билан Боғдод тумани, Чекмирзаобод қишлоғида кўришиб, унга тегишли “Cobalt” русумли 40Н362АВ давлат рақамли автомашинасини 11.500 АҚШ долларига келишиб сотиб олиб, унга автомашинанинг пулларини бир йилдан сўнг яъни 2024 йил 01 сентябрь куни тўлиқ беришлигини ёлғондан айтиб, алдаб, ўзининг номига автомашинани сотиш ҳуқуқи билан нотариал тартибда ишончнома расмийлаштириб олишга эришиб, ушбу автомашинани дастлабки тергов ҳаракатлари давомида аниқлашнинг имкони бўлмаган шахсга 7.000 АҚШ долларига сотиб, пулларини ўзининг шахсий эҳтиёжларига сарфлаб юбориб, фирибгарлик қилган.



Бундан ташқари, Д.Акбаров ўзининг жиноий ҳаракатларини давом эттириб, такроран, алдаш ва ишончини суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкини қўлга киритиш мақсадида, 2023 йил 05 октябрь куни У.Мадрахимовга тегишли бўлган “Nexia-2” русумли 80M980AA давлат рақамли автомашинани 5.000 АҚШ доллариға сотиб олишга келишиб, унга 2.500 АҚШ доллар пул бериб, қолган 2.500 АҚШ доллар пулларни 6 ойдан сўнг 2024 йил 20 март куни тўлиқ беришлигини ёлғондан айтиб, алдаб, нотариал тартибда ўзининг номига олди-сотди шартнома расмийлаштириб олишга эришиб, ушбу автомашинани дастлабки тергов ҳаракатлари давомида аниқлашнинг имкони бўлмаган шахсга 3.700 АҚШ доллариға сотиб, пулларини ўзининг шахсий эҳтиёжларига сарфлаб юбориб, фирибгарлик қилган.

Шунингдек, Д.Акбаров ўзининг жиноий ҳаракатларини давом эттириб, такроран, алдаш ва ишончини суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг анча миқдордаги мулкини қўлга киритиш мақсадида, 2023 йил 01 ноябрь куни И.Худобергановга тегишли “Damas” русумли 40K450SA давлат рақамли автомашинани 7.300 АҚШ доллариға сотиб олишга келишиб, унга 3.050 АҚШ доллар пул бериб, қолган 4.250 АҚШ доллар пулларни бир йилдан сўнг тўлиқ беришини ёлғондан айтиб, алдаб, нотариал тартибда ўзининг номига олди-сотди шартнома расмийлаштириб олишга эришиб, ушбу автомашинани дастлабки тергов ҳаракатлари давомида аниқлашнинг имкони бўлмаган шахсга 5.500 АҚШ доллариға сотиб, пулларини ўзининг шахсий эҳтиёжларига сарфлаб юбориб, фирибгарлик қилган.

Бундан ташқари, Д.Акбаров ўзининг жиноий ҳаракатларини давом эттириб, такроран, алдаш ва ишончини суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкини қўлга киритиш мақсадида, 2024 йил январь ойида Р.Каримовга тегишли “Matiz” русумли автомашинани 3.750 АҚШ доллариға сотиб олишга келишиб, унга 1.500 АҚШ доллар пул бериб, қолган 2.250 АҚШ доллар пулларни 6 ойдан сўнг тўлиқ беришини ёлғондан айтиб, алдаб, ушбу автомашинани дастлабки тергов ҳаракатлари давомида аниқлашнинг имкони бўлмаган шахсга 2.700 АҚШ доллариға сотиб, автомашинани сотиб олган шахсни номига нотариал тартибда олди-сотди шартнома расмийлаштириб бериб, пулларини ўзининг шахсий эҳтиёжларига сарфлаб юборган.

Шунингдек, Д.Акбаров ўзининг жиноий ҳаракатларини давом эттириб, такроран, алдаш ва ишончини суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг анча миқдордаги мулкини қўлга киритиш мақсадида, 2024 йил 25 январь куни И.Каримовга тегишли “Damas” русумли 40B653LA давлат белгили автомашинасини 6.000 АҚШ доллариға сотиб олишга келишиб, унга 2.500 АҚШ доллар пул бериб, қолган 3.500 АҚШ доллар пулларни 6 ойдан сўнг тўлиқ беришини ёлғондан айтиб, алдаб, ушбу автомашинани дастлабки тергов ҳаракатлари давомида аниқлашнинг имкони бўлмаган шахсга 5.000 АҚШ доллариға сотиб, автомашинани сотиб олган шахсни номига нотариал тартибда сотиш ҳуқуқи билан ишончнома расмийлаштириб бериб,



пулларини ўзининг шахсий эҳтиёжларига сарфлаб юбориб, фирибгарлик қилган.

Бундан ташқари, Д.Акбаров ўзининг жиноий ҳаракатларини давом эттириб, такроран, алдаш ва ишончини суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкини қўлга киритиш мақсадида, 2024 йил февраль ойида И.Сохибназаровга тегишли бўлган “Damas” русумли автомашинани 7.800 АҚШ долларига сотиб олишга келишиб, унга 700 АҚШ доллар пул бериб, қолган 7.100 АҚШ доллар пулларни бермаганлиги сабабли И.Сохибназаров Д.Акбаровдан автомашинани қайтариб беришлигини сўраган вақтида, унга автомашинани Ойбек исмли шахсга сотиб юборганлигини, агар 3.000 АҚШ доллар пул бериб турса автомашинасини қайтариб олиб келиб беришлигини ва ушбу 3.000 АҚШ доллар пулларни 2024 йилнинг сентябрь ойи охирига қадар беришини ёлғондан айтиб, алдаб, унинг 3.000 АҚШ доллар пулларини фирибгарлик йўли билан қўлга киритиб сўнга унга Дамас русумли автомашинасини қайтариб бериб, фирибгарлик йўли билан қўлга киритилган 3.000 АҚШ доллар пулларни ўзининг шахсий эҳтиёжларига сарфлаб юборган.

Шунингдек, Д.Акбаров ўзининг жиноий ҳаракатларини давом эттириб, такроран, алдаш ва ишончини суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг анча миқдордаги мулкини қўлга киритиш мақсадида, 2024 йил 20 февраль куни М.Султоновга тегишли “Damas” русумли 40W913BB давлат белгили автомашинани 5.000 АҚШ долларига сотиб олишга келишиб, унга автомашинанинг пулларини бир йилдан сўнг беришини ёлғондан айтиб, алдаб, ушбу автомашинани дастлабки тергов ҳаракатлари давомида аниқлашнинг имкони бўлмаган шахсга 3.000 АҚШ долларига сотиб, автомашинани сотиб олган шахсни номига нотариал тартибда олди-сотди шартнома расмийлаштириб бериб, пулларини ўзининг шахсий эҳтиёжларига сарфлаб юборган.

Бундан ташқари, Д.Акбаров ўзининг жиноий ҳаракатларини давом эттириб, такроран, алдаш ва ишончини суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг анча миқдордаги мулкини қўлга киритиш мақсадида, 2024 йил март ойида И.Қурбоновга тегишли “Damas” русумли 40K293SA давлат белгили автомашинани 8.300 АҚШ долларига сотиб олишга келишиб, унга 3.000 АҚШ доллар пул бериб, қолган 5.300 АҚШ доллар пулларни 6 ойдан сўнг яъни 2024 йил сентябрь ойида тўлиқ беришлигини ёлғондан айтиб, алдаб, ушбу автомашинани дастлабки тергов ҳаракатлари давомида аниқлашнинг имкони бўлмаган шахсга сотиб, автомашинани сотиб олган шахсни номига нотариал тартибда олди-сотди шартнома расмийлаштириб бериб, пулларини ўзининг шахсий эҳтиёжларига сарфлаб юборган.

Шунингдек, Д.Акбаров ўзининг жиноий ҳаракатларини давом эттириб, такроран, алдаш ва ишончини суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг анча миқдордаги мулкини қўлга киритиш мақсадида, 2024 йил 01 апрель куни С.Ахмедовга тегишли “Cobalt” русумли 40A697FB давлат белгили автомашинасини 10.000 АҚШ долларига сотиб олишга келишиб, унга 2.000 АҚШ доллар пул бериб, қолган 8.000 АҚШ доллар пулларни 8 ойдан



сўнг яъни 2024 йил 01 декабрь куни тўлиқ беришини ёлғондан айтиб, алдаб, ушбу автомашинани дастлабки тергов ҳаракатлари давомида аниқлашнинг имкони бўлмаган шахсга 6.500 АҚШ доллариға сотиб, автомашинани сотиб олган шахсни номига нотариал тартибда сотиш ҳуқуқи билан ишончнома расмийлаштириб бериб, пуллариғни ўзининг шахсий эҳтиёжлариға сарфлаб юборган.

Бундан ташқари, Д.Акбаров ўзининг жиноий ҳаракатларини давом эттириб, такроран, алдаш ва ишончини суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкини қўлга киритиш мақсадида, 2024 йил 01 май куни Ш.Тошқўзиевга тегишли “Nexia-2” русумли 30R062PA давлат белгили автомашинасини 5.000 АҚШ доллариға сотиб олишга келишиб, унга 2.500 АҚШ доллар пул бериб, қолган 2.500 АҚШ доллар пулларни 10 ойдан сўнг тўлиқ беришини ёлғондан айтиб, алдаб, ушбу автомашинани дастлабки тергов ҳаракатлари давомида аниқлашнинг имкони бўлмаган шахсга 3.600 АҚШ доллариға сотиб, автомашинани сотиб олган шахсни номига нотариал тартибда олди-сотди шартнома расмийлаштириб бериб, пуллариғни ўзининг шахсий эҳтиёжлариға сарфлаб юборган.

Шунингдек, Д.Акбаров ўзининг жиноий ҳаракатларини давом эттириб, такроран, алдаш ва ишончини суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкини қўлга киритиш мақсадида, 2024 йил 03 май куни З.Насриддиновга тегишли “Matiz” русумли автомашинасини 1.200 АҚШ доллариға сотиб олишга келишиб, унга 300 АҚШ доллар пул бериб, қолган 900 АҚШ доллар пулларни бир ойдан сўнг тўлиқ беришини ёлғондан айтиб, алдаб, ушбу автомашинани дастлабки тергов ҳаракатлари давомида аниқлашнинг имкони бўлмаган шахсга 1.500 АҚШ доллариға сотиб, пуллариғни ўзининг шахсий эҳтиёжлариға сарфлаб юборган.

Судланувчи Д.Акбаров судда, айбига тўлиқ иқрорлигини билдириб, ҳақиқатан ҳам автомашина олди-сотдиси билан шуғулланиб келишини, 2023 йил 01 сентябрь куни Бағдод тумани Чекмирзаобод қишлоғида яшовчи Ахрор исмли таниши орқали шу қишлоқда яшовчи А.Турдалиевни “Cobalt” русумли 40H362AB давлат белгили автомашинани сотмоқчилигини эшитиб таниши Тожимахамад ака билан Аслиддинни олдига бориб, у билан автомашина пуллариғни бир йил муддатда яъни 2024 йил 01 сентябрь куни беришини айтиб, ўзаро оғзаки келишиб 11.500 АҚШ доллариға сотиб олгани, сўнг автомашинани нотаниш шахсга 7.000 АҚШ доллариға сотиб юборгани, автомашинани сотиб олган шахсни номига нотариус орқали олди-сотди шартнома қилиб бергани, лекин Аслиддинга автомашина пуллариғни бермагани, шу тариқа 2023 йил 05 октябрь куни У.Мадрахимовга тегишли бўлган “Nexia-2” русумли автомашинасини 5.000 АҚШ доллариға, 2023 йил 01 ноябрь куни И.Худобергановга тегишли бўлган “Damas” русумли 40 K450SA давлат белгили автомашинасини 7.300 АҚШ доллариға, 2024 йилнинг январь ойида Р.Каримовга тегишли бўлган “Matiz” русумли автомашинасини 3.750 АҚШ доллариға, 2024 йил 25 январь куни И.Каримовга тегишли бўлган “Damas” русумли 40 B653LA давлат белгили автомашинасини



6.000 АҚШ доллариға, 2024 йил февраль ойида И.Сохибназаровга тегишли бўлган “Damas” русумли автомашинасини 7.800 АҚШ доллариға, 2024 йил 20 февраль куни таниши М.Султоновга тегишли бўлган “Damas” русумли 40W913BV давлат белгили автомашинасини 5.000 АҚШ доллариға, 2024 йил март ойида М.Курбоновга тегишли бўлган “Damas” русумли 40K 493 SA давлат белгили автомашинасини 8.300 АҚШ доллариға, 2024 йил 01 апрель куни С.Ахмедовга тегишли бўлган “Cobalt” русумли 40A697FB давлат белгили автомашинасини 10.000 АҚШ доллариға, 2024 йил апрель ойи охирида Ш.Тошқўзиевга тегишли бўлган “Nexia-2” русумли 30 R062PA давлат белгили автомашинасини 5.000 АҚШ доллариға, 2024 йил 05 май куни З.Насриддиновга тегишли бўлган “Matiz” русумли 40 P631KB давлат белгили автомашинасини 1.200 АҚШ доллариға келишиб сотиб олиб, ушбу автомашиналарни бошқа шахсларга сотиб юборгани, пулларини шахсий эҳтиёжлари учун ишлатиб юборгани, лекин ҳозирда оила аъзолари томонидан жабрланувчиларга етказилган барча зарарлар тўлиқ қоплангани, ҳозирда қилган ишидан пушаймонлигини, жиноят оқибатида етказилган зарарлар тўлиқ қоплаганлигини билдириб, енгиллик беришни сўради.

Судланувчи Б.Акбаров судда айбига тўлиқ иқдор бўлиб кўрсатув берган бўлса-да, унинг жиноят содир этганликдаги айби қуйидаги далиллар билан ҳам исботланган. Жумладан:

Жабрланувчи А.Турдалиевнинг суддаги, 2023 йил 01 сентябрь куни ўзимни номимда бўлган “Cobalt” русумли 40H362AB давлат белгили автомашинасини сотмоқчи бўлаётганини қўшниси А.Абдуллажонов эшитиб Қоравултепа қишлоғида яшовчи машина олиб сотиш билан шуғулланувчи Д.Акбаровни чақиргани, Д.Акбаров ҳамқишлоғи Тожимахмад ака билан бирга келгани, у билан машинани 11.500 АҚШ доллариға савдолашгани, Д.Акбаров 11.500 АҚШ долларини бир йилда яъни 2024 йил 01 сентябрь куни бир мартада берадиган бўлгани, лекин шу кунгача бермай келгани, шунинг учун ИИБга мурожаат қилгани, ҳозирда суд жараёнида Д.Акбаровни оила аъзолари томонидан 700 АҚШ доллари ва юз минг сўм берилгани, зарарни қолган қисми, банкдаги депозит ҳисоб рақамига тўлангани, шу сабабли депозит ҳисоб рақамидаги пулларни унга олиб бериш ҳақидаги;

Жабрланувчи У.Мадрахимовнинг суддаги, ҳақиқатан ҳам Д.Акбаров ҳамқишлоғи экани, 2023 йил 5 октябрь куни ўзига тегишли бўлган “Nexia-2” русумли автомашинасини устахонага олиб бориб устага кўрсатиб сотишга тайёрлагани, ушбу автомашинани техник шикастланган ҳолатича 3 ой олдин 2800 АҚШ доллариға сотиб олгани, таъмирлатиб автомашинани сотмоқчи бўлгани, шу вақтда устахонага Д.Акбаров келиб автомашинани сотмоқчи эканлигини, оладиган харидор борлигини айтгани, Д.Акбаровга машинани 4.700 АҚШ доллари сотмоқчи эканини айтгани, кейин ўша куни Д.Акбаров машинани харидорларга маъқул келмаганини, лекин бошқа харидорлар борлигини, ўзи сотиб беришини айтгани, орадан 5-6 кун ўтиб Д.Акбаров автомашинани ўзи олишини, олдиндан 2.500 АҚШ доллари беришини, қолган 2.500 АҚШ долларини 2024 йил 20 март кунига беришини, вариант бўлгани



учун 5.000 АҚШ доллариға олишини айтгани, уни таклифига рози бўлгани, лекин Д.Акбаров пулни қолган қисмини келишилган вақтда бермаганлиги сабабли ИИБга ариза бергани, ҳозирда етказилган зарар Д.Акбаров оила аъзолари томонидан тўлиқ қоплангани, унга нисбатан даъвоси йўқлигини кўрсатиб, енгиллик беришни сўраши ҳақидаги;

Жабрланувчи И.Худобергановнинг ҳақиқатан ҳам 2023 йил 01 ноябрь куни “Damas” русумли 40 K450SA давлат белгили автомашинани 2023 йил март ойида 7.500 АҚШ доллариға сотиб олгани, пул зарур бўлиб қолиб 2023 йил ноябрь ойида ушбу автомашинани сотмоқчи бўлгани, 2023 йил 1 ноябрь куни Қўқон шаҳар машина бозорига автомашинани сотишга олиб чиққанида ҳамқишлоғи машина олиб сотиш билан шуғулланувчи Тожимат ака келиб автомашинани вариантга сотишини сўрагани, унга ишонарли одам бўлса сотишини, олдиндан 3.000 АҚШ доллари беришини, пул зарур эканлигини айтгани, кейин олдиға Тожимат ака Д.Акбаровни олиб келгани, Д.Акбаров вариантга 7.300 АҚШ доллариға савдолашгани, олдиндан 3.050 АҚШ доллари бериб, қолган 4.250 АҚШ долларини бир йилда 2024 йил 01 ноябрь куни беришиға келишгани, ўша вақтда Д.Акбаровни танигани, лекин у келишилган кунға қадар пулларини бермагани сабабли ИИБ га мурожаат қилгани, ҳозирда етказилган зарар Д.Акбаров оила аъзолари томонидан тўлиқ қоплангани, унга нисбатан даъвоси йўқлигини кўрсатиб, енгиллик беришни сўраши ҳақидаги;

Жабрланувчи Р.Каримовнинг суддаги, Д.Акбаровни танишини, машина олди сотдиси билан шуғулланишини билгани, 2024 йил январь ойида ўзига тегишли бўлган “Matiz” русумли автомашинасини сотмоқчи бўлиб Қўқон автомашина бозорига олиб боргани, лекин бозорда сота олмагани, ўша куни кечи вақт Д.Акбаров ўғли Р.Каримов билан автомашинасига харидор бўлиб келишгани, машинасини вариантга олишини айтгани, 3750 АҚШ доллариға олишини, олдиндан 1.500 АҚШ доллари беришини, қолган 2.250 АҚШ долларини 6 ойда яъни 2024 йил июнь ойида беришини айтгани, шу билан рози бўлиб машинасини Д.Акбаровға сотгани, лекин у келишилган кунға қадар пулларини бермагани сабабли ИИБга мурожаат қилгани, ҳозирда етказилган зарар Д.Акбаров оила аъзолари томонидан тўлиқ қоплангани, унга нисбатан даъвоси йўқлигини кўрсатиб, енгиллик беришни сўраши ҳақидаги;

Жабрланувчи И.Каримовнинг суддаги, ҳақиқатан ҳам 2024 йил 25 январь куни ўзига тегишли бўлган “Damas” русумли 40B653LA давлат белгили автомашинасини сотмоқчи бўлгани, автомашина сотмоқчи эканлигини Д.Акбаров эшитиб А.Абдуллажонов билан бирга уйига келишгани, автомашинани Д.Акбаров сотиб олмоқчи бўлгани ва савдолашгани, автомашинани Д.Акбаровға 6.000 АҚШ доллариға сотишға, пулини 2024 йил 01 май кунига беришға келишгани, Д.Акбаровға пул зарур 500 АҚШ доллари олдиндан беришини айтгани ва жияни А.Абдуназаров билан бориб 500 АҚШ доллари олиб келишгани, келишилган 2024 йил 01 май куни келгани, лекин у пулларини бермагани сабабли ИИБга мурожаат қилгани, ҳозирда етказилган зарар Д.Акбаров оила аъзолари томонидан тўлиқ



қоплангани, унга нисбатан даъвоси йўқлигини кўрсатиб, енгиллик беришни сўраши ҳақидаги;

Жабрланувчи И.Сохибназаровнинг суддаги, ҳақиқатан ҳам 2024 йил февраль ойида “Damas” русумли автомашинасини сотмоқчи бўлгани, буни ҳамқишлоғи М.Султонов эшитиб ўғлидан сўрагани, 2024 йил 11 февраль куни уйига Тожимухаммад ака ва Д.Акбаровни олиб келгани, у Дамас автомашинасини кўргани, у 8.000 АҚШ доллари баҳо айтгани, автомашинани банкдан 12.000.000 сўм кредити борлигини айтгани, Д.Акбаров 700 АҚШ доллари бериб, қолган 7.100 АҚШ доллари бир йил ўтиб бир мартадан тўлиқ берадиган, автомашинани банк кредит қарздорлигини Д.Акбаров ўзи тўлайдиган бўлиб келишгани, сўнг Д.Акбаров шу ерда 700 АҚШ доллари бериб автомашинасини олиб кетгани, орадан 10 кунга ўтиб Д.Акбаров олдиға келиб автомашинани сотиб юборганини айтгани, автомашинамни сотиб олган одам ҳам бирға келгани, автомашинани номиға ўтказиб олишни сўрагани, лекин рози бўлмагани, шу орада Д.Акбаров кўпчиликлани машинасини олиб пулини бермасдан алдаб юрганлиги шов-шув гапи чикқани, унга ишонмасдан машинасини қайтариб оладиган бўлгани, Д.Акбаровға бу ҳақида айтгани, сўнг машинасини қайтариб олгани, машина олди бердиларини ичида Д.Акбаров ундан 3000 АҚШ доллари қарз бўлиб қолгани, ушбу пулни 2024 йил сентябрь ойи охириға беришға ваъда бериб мана шу кунға қадар бермасдан келгани, шу сабабли ИИБға мурожаат қилгани, ҳозирда етказилган зарар Д.Акбаров оила аъзолари томонидан тўлиқ қоплангани, унга нисбатан даъвоси йўқлигини кўрсатиб, енгиллик беришни сўраши ҳақидаги;

Жабрланувчи М.Султоновнинг суддаги, ҳақиқатан ҳам 2024 йил 20 февраль куни “Damas” русумли 40W913BV давлат белгили автомашинани сотмоқчи бўлгани, автомашинасини сотилишини ҳамқишлоғи Тожимат ака эшитиб Д.Акбаровни олиб келгани, Д.Акбаров билан машинасини 5.000 АҚШ долларига савдолашгани, Д.Акбаров билан бир йил муддатға пулини беришға келишгани, 2025 йил 20 февраль кунига пул оладиган бўлгани, орадан 10 кун ўтиб машина савдосида даллол бўлиб турган Тожимат ака уйига келиб машинани сотилгани, ўтказиб беришини айтгани, Д.Акбаров 4.200 АҚШ долларига нақдға сотгани, келишувға кўра Хожиакбарни номиға нотариусда расмийлаштириб бергани, Д.Акбаров келишилган муддатда пулни беришини айтгани, ўртада турган Тожимат ака ҳамқишлоғи бўлгани учун ишонгани, лекин келишилган муддат келгани 5.000 АҚШ доллари микдоридаги пулларини бермагани, шу сабабли ИИБға мурожаат қилгани, ҳозирда етказилган зарар Д.Акбаров оила аъзолари томонидан тўлиқ қоплангани, унга нисбатан даъвоси йўқлигини кўрсатиб, енгиллик беришни сўраши ҳақидаги;

Жабрланувчи И.Қурбоновнинг суддаги, 2024 йил март ойида “Damas” русумли автомашинасини сотмоқчи бўлиб Қўқон шаҳридаги автомашина бозорига олиб чикқани, бозорда автомашинасига холасини ўғли Д.Акбаров харидор бўлгани, Д.Акбаров автомашинасини сотиб олишини, лекин пулларини 6 ой муддатда беришини айтгани, у рози бўлгани, Д.Акбаров билан ўзаро келишиб автомашинани унга 8.300 АҚШ долларига келишгани,



Д.Акбаров 3.000 АҚШ доллар пул бериб қолган 5.300 АҚШ долларини 2024 йил 01 сентябрь куни беришини айтиб ваъда бергани, сўнг Д.Акбаров билан бирга яшаш хонадонига қайтиб келишгани, яшаш хонадонига 3.000 АҚШ доллар пул санаб бергани, Д.Акбаров автомашинасини бошқа шахсга сотиб фойдаланишини автомашинани сотиб олган шахсни хужжатларини ўтказиб беришини сўрагани, Д.Акбаров қариндоши бўлганлиги сабабли алдамаса керак деб унинг шартига рози бўлгани, эртаси куни Д.Акбаров олдига Жасур исмли шахс билан бирга келиб, автомашинасини Жасурга сотганини, автомашинани унинг номига ўтказиб беришини сўрагани, кейин у нотариус идорасида Жасурни номига олди-сотди шартномаси қилиб бергани, шу тариқа орадан 6 ой ўтгани, 2024 йил 01 сентябрь куни Д.Акбаров бир сўм ҳам пул бермагани, шу сабабли ИИБга мурожаат қилгани, ҳозирда етказилган зарар Д.Акбаров оила аъзолари томонидан тўлиқ қоплангани, унга нисбатан даъвоси йўқлигини кўрсатиб, енгиллик беришни сўраши ҳақидаги;

Жабрланувчи С.Ахмедовнинг суддаги, ҳақиқатан ҳам Д.Акбаров “Cobalt” русумли 40А 697 FВ давлат белгили автомашинасини сотмоқчи бўлганини эшитиб 2024 йил 01 апрель куни уйига келгани, у билан автомашинани 10.000 АҚШ долларига келишгани, лекин пулини 2.000 АҚШ долларини бериб қолган 8.000 АҚШ долларини 2024 йил 01 декабрь куни соат 9-00 га беришга келишгани, Д.Акбаров автомашинасини сотиб фойдаланишини, сотган одамига машинани расмийлаштириб беришини айтганида рози бўлгани, машинани Д.Акбаров 2 кундан сўнг Самарқанд қишлоғилик Шерали исмли болага сотгани, 2025 йил 5 апрель куни машинани Шералини номига ўтказиб бергани, лекин 2024 йил ноябрь ойига келиб Д.Акбаровни фирибгар эканлигини, унга ўхшаган фуқаролардан машиналарни вариантга сотиб олиб, бошқа шахсларга сотиб юбориб пуллари бериб бермасдан алдаб сарсон қилиб юрганлигини эшитгани, Д.Акбаровни ҳаракатларидан шубҳаланиб 2024 йил ноябрь ойида Шералига берган ишончномасини бекор қилдириб қўйгани, 2024 йил 01 декабрь куни Д.Акбаров қолган 8.000 АҚШ долларини бермагани, турли важдларни айта бошлагани, шу сабабли ИИБга мурожаат қилгани, ҳозирда автомашинасини қайтариб олгани, унга нисбатан даъвоси йўқлигини кўрсатиб, енгиллик беришни сўраши ҳақидаги;

Жабрланувчи Ш.Тожиқўзиевнинг суддаги, ҳақиқатан ҳам автомашина кузов қисмини таъмирлаш билан шуғулланиб келишини, 2024 йил апрель-май ойида 30R 062 РА давлат белгили “Nexia-2” русумли автомашинани таъмирлаб, сотишга тайёрлагани, автомашина сотишга тайёр бўлганидан сўнг ҳамқишлоғи Фарход акага “Nexia-2” русумли автомашинасини сотиши ҳақида айтиб, автомашинага харидор топишини сўрагани, 2024 йил 02 май куни Фарход ака Д.Акбаровни харидор қилиб олиб келгани, Д.Акбаров автомашинасини кўрганидан сўнг у билан савдолашиб, автомашинани 5.000 АҚШ долларига сотишга келишгани, Д.Акбаров 2.500 АҚШ доллар беришини ва автомашинани унинг номига ўтказиб беришини, қолган 2.500 АҚШ долларини 10 ой муддатда яъни 2025 йил 02 март кунига қадар



беришини айтгани, у рози бўлгани, кейин Д.Акбаров гувоҳларнинг иштирокида 2.500 АҚШ доллар пул бериб, қолган пулларни 10 ой муддатда бериши ҳақида тилхат ёзиб бергани, орадан 2 ой муддат ўтгандан сўнг Д.Акбаров автомашинани Бекобод қишлоғилик одамга сотганини, автомашинани ўша сотиб олган болани номига ўтказиб беришини сўрагани, шунда Д.Акбаровга автомашинани пулларини тўлиқ беришини, кейин хоҳлаган одамни номига ўтказиб беришини айтганида Д.Акбаров лабзида туришини, келишилган муддат келганида пулларни беришини айтгани, сўнг Д.Акбаровни гапларнига ишониб, автомашинани Д.Акбаров айтган болани номига сотиш ҳуқуқи билан ишончнома қилиб бергани, шу тариқа орадан 10 ой ўтгани, 2024 йил 02 март куни Д.Акбаров пул бермагани, шу сабабли ИИБга мурожаат қилгани, ҳозирда етказилган зарар Д.Акбаров оила аъзолари томонидан тўлиқ қоплангани, унга нисбатан даъвоси йўқлигини кўрсатиб, енгиллик беришни сўраши ҳақидаги;

Гувоҳ М.Саминжоновнинг суддаги, ҳақиқатан ҳам З.Насирдинов отаси экани, отаси З.Насирдинов ҳозирда ишлаш мақсадида Россия Федерациясига кетгани, 2024 йил январь ойида “Matiz” русумли 40P631KB давлат белгили автомашинани сотиб олгани, банкдан кредит 36 ой муддатга расмийлаштирилгани, ойига 2.500.000 сўмдан тўлаб бориши керак бўлгани, автомашинани отаси З.Насриддинов 2024 йил май ойига қадар 5 ойлик кредит тўловларини тўлаб автомашинани бошқариб юргани, 2024 йил май ойида отаси машинани сотмоқчи бўлгани, автомашинага Д.Акбаров харидор бўлгани, Д.Акбаров банк тўловларини ўзи тўлаб минишини, машина учун 1.000 АҚШ доллари беришини айтганида отаси рози бўлмагани, сўнг орадан бир hafta ўтиб, 2024 йил 03 май куни Д.Акбаров билан кўришиб қолганида “Matiz” машинаси 1.200 АҚШ доллари беришини, отаси билан гаплашиб кўришини айтгани, сўнг отаси ушбу нархга рози бўлгани, Д.Акбаров билан учрашиб, машинани топширгани, Д.Акбаров унга 100 АҚШ доллари бериб, қолган 1.100 АҚШ долларини 20 май куни беришини айтиб, ваъда бергани, машинани банк кредитини ўзи тўлашини айтгани, сўнг келишилган 20 май етиб келмасдан Д.Акбаров машинани Риштон туманида яшовчи Фаррух исмли болага сотиб юборгани, Д.Акбаров отасини олдига келиб, машинани 1.550 АҚШ долларига сотиб юборганини, ишончнома қилиб беришини, банкини ўзи тўлашини айтгани, отаси рози бўлгани ва онлайн ишончнома қилиб бергани, шундан сўнг келишилган 2024 йил 20 май куни келгани, Д.Акбаровга телефон қилиб пулни сўраса уларни алдаб келгани, шу сабабли Д.Акбаров автомашинани қолган пулларини бермаганлиги сабабли ИИБга ариза билан мурожаат қилишгани, ҳозирда зарар тўлиқ қоплангани ҳақидаги;

шунингдек, жиноят ишидаги хабарнома, ашёвий далилни олиш ҳақидаги баённомаси, тушунтириш хатлари, сўроқ баённомалари ҳамда иш материалларида тўпланган, судда текширилган бошқа далиллар билан ўз тасдиғини топган.

Суд, судланувчи Д.Акбаровнинг жиноий ҳаракатларини квалификация қилиш масаласини муҳокама қилиб, дастлабки тергов органи томонидан унинг



жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 168-моддаси 3-қисмининг “а,б” бандлари билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Чунки, судланувчи Д.Акбаров алдаш ва ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан кўп миқдордаги ўзганинг мулкини қўлга киритиш мақсадида, 2023 йил 01 сентябрь куни А.Турдалиевни кўп миқдордаги 11.500 АҚШ доллари, такроран 2023 йил 05 октябрь куни У.Мадрахимовга 5.000 АҚШ доллари, 2023 йил 01 ноябрь куни И.Худобергановга 7.300 АҚШ доллари, 2024 йилнинг январь ойида Р.Каримовга 3.750 АҚШ доллари, 2024 йил 25 январь куни И.Каримовга 6.000 АҚШ доллари, 2024 йил февраль ойида И.Сохибназаровга 7.800 АҚШ доллари, 2024 йил 20 февраль куни М.Султоновга 5.000 АҚШ доллари, 2024 йил март ойида М.Қурбоновга 8.300 АҚШ доллари, 2024 йил 01 апрель куни С.Ахмедовга 10.000 АҚШ доллари, 2024 йил апрель ойи охирларида 5.000 АҚШ доллари, 2024 йил 05 май куни З.Насриддиновга 1.200 АҚШ долларига тенг бўлган автомашиналарини олиб, ушбу машиналарни бошқа шахсларга сотиб юбориб, пулларини шахсий эҳтиёжлари учун ишлатиб юбориб, қасддан жиноят содир этган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20-моддасида “шахсга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши керак”лиги белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги қарорининг 1-бандида, судларнинг эътибори жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилишга қаратишлари лозимлиги;

3-бандида, жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилиқ даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги ҳақида тушунтиришлар берилган.

Суд, судланувчи Д.Акбаровга жазо тури ва миқдорини тайинлашда, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги Қарори талабларидан келиб чиқиб, айбига иқрор ва қилмишидан пушаймонлиги, судланмаганлигини, оилавий шароитини, иш бўйича етказилган зарарлар тўлиқ қоплангани жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар сифатида баҳолаб, жиноятни ғаразли ёки бошқача паст ниятларда содир этганини жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар сифатида эътиборга олиб, унинг шахсини яъни, биринчи марта жиноят содир этганлиги, жиноят оқибатида етказилган барча зарарлар тўлиқ қопланганлигини эътиборга олиб, унга нисбатан модда санкцияси доирасида ахлоқ тузатиш



ишлари жазоси тайинлашни ва икки дона ДВД дисклар жиноят ишида сақлашни лозим топади.

Юқоридагиларга кўра ҳамда Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодексининг 454-457, 462-463, 465-468, 471-474-моддаларига амал қилиб, суд

ХУКМ ҚИЛДИ:

Акбаров Даврон Ўктамалиевич Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 168-моддаси 3-қисмининг “а,б” бандларида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.

Акбаров Даврон Ўктамалиевичга;

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 168-моддаси 3-қисмининг “а,б” бандлари билан иш ҳақининг йигирма фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда, 3 (уч) йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 62-моддасига асосан Д.Акбаровни 2025 йил 12 май кунидан 2025 йил 28 май кунига қадар қамокда сақланган ҳар бир куни уч кун ахлоқ тузатиш ишлари жазосига тенглаштирилиб, тайинланган жазодан чегирилиб, ўташ учун узил-кесил 2 (икки) йил 10 (ўн) ой 12 (ўн икки) кун ахлоқ тузатиш ишлари жазоси қолдирилсин.

Тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ўташ муддати Д.Акбаров ички ишлар органларида рўйхатга олиниб, корхона, муассаса, ташкилотларда иш бошлаган кундан бошлаб ҳисобланиб, жазони назорат қилувчи орган белгилаган жойда ўтаттирилсин.

Ҳукм ижросини назорат қилиш Боғдод тумани ИИБ Пробация гуруҳи зиммасига юклатилсин.

Д.Акбаровга нисбатан қўлланилган “қамокқа олиш” тарзидаги эҳтиёт чораси бекор қилинсин ва дарҳол суд залида қамокдан озод қилинсин.

Зарарни қоплаш мақсадида Фарғона вилоят ИИБнинг “Ипотека банк” Фарғона вилоят филиали депозит ҳисоб рақамига тўланган 139.024.000 сўм пуллар жабрланувчи Турдалиев Аслиддин Жумабой ўғлига олиб берилсин.

Иш бўйича жабрланувчиларга етказилган моддий зарарлар тўлиқ қопланганлиги эътиборга олинсин.

2 дона ДВД дисклар жиноят ишида сақлансин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан эътиборан, судланувчи ва жабрланувчилар ҳукм нусхасини олган кунидан ўн сутка ичида жиноят ишлари бўйича Боғдод туман суди орқали Фарғона вилоят судига апелляция тартибида ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг кассация тартибида шикоят бериши ёки протест келтириши мумкин.

Раислик қилувчи судья
“Аслига тўғри”

(имзо)

О.Сиддиқов

Раислик қилувчи судья

О.Сиддиқов

